

БАНК АЖБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 27 (1102), 2017 йил 6 июль

Мамлакатимиз Президенти монетар ва фискаль тузилмаларга қатор топшириқлар берди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга бўлган асосий озиқ-овқат товарлари билан ишончли таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар тўғрисида»ги Қарориди Марказий банкка тижорат банклари ликвидлиги устидан доимий мониторинг олиб боришни таъминлаш, тижорат банкларининг устав капиталли 500 млн. АҚШ доллари миқдориди оширилганини қайд этган ҳолда хўжалик субъектларининг тўловларини, шу жумладан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларининг Давлат бюджетига ўтказилишини узлуксиз таъминлаш борасиди таъсирчан чоралар кўришни тавсия қилди.

Хужжатда айтилишича, Марказий банк пул-кредит сиёсати воситаларидан, шу жумладан, қисқа муддатли ликвидлики бошқариш операциялари ва мажбурий резерв талаблари ставкаларидан фаол ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, тижорат банкларининг қонунчиликда белгиланган иқтисодий меъёрларга риоя қилиши устидан назоратни кучайтиради.

Давлатимиз раҳбарининг тавсияларига мувофиқ, Марказий банк Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ва тижорат банклари билан биргаликда замонавий тўлов технологияларини жорий этиш ва банк пластик карталаридан фойдаланиш жозибдорлигини ошириш бора-

сида қўшимча комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Давлат солиқ қўмитасига тижорат банклари билан ҳамкорликда пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, шу жумладан, хўжалик субъектларининг савдо тушумларини тўлиқ ва ўз вақтида инкасса қилиш, мунтазам кузатув текширишлари олиб бориш ҳисобига пул маблағларини яшириб қолишга йўл қўймастикка қаратилган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифини юклатилди.

(Давоми 2-бетда).

«Трастбанк»: худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида

Президентимиз 2016 йил 18 ноябрда Жиззах вилоятига амалга оширган сайловолди ташрифида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жумладан, Жиззах вилоятида «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкнинг филиали ва бўлимини ташкил этиш, Фориш туманида эчкичиликни ривожлантириш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва аҳоли томорқаларида парранда боқишни ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш каби вазибаларни белгилаб берганди.

Мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича жорий йилнинг 1 июль куни Жиззах вилоятининг Фориш туманида «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки ҳамда «FORISH AGRO VALLEY» МЧЖ мутахассислари билан ҳамкорликда «Жиззах вилояти Фориш туманида эчкичиликни ривожлантириш борасиди ишлар сарҳисоби» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда «Трастбанк» ХАБ раҳбар ходимлари, «FORISH AGRO VALLEY» МЧЖ мутахассислари, Марказий банкнинг Жиззах вилояти Бош бошқармаси раҳбарлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакиллари, ишбилармон доиралар, тадбиркорлар, экспертлар, қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари,

шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Жиззах вилояти ҳокими Улуғбек Узоқов, Марказий банкнинг Жиззах вилояти Бош бошқармаси бошлиғи Илҳом Ҳайдаров, «Трастбанк» ХАБ Бошқаруви раиси Сардор Нормухамедов сўзга чиқиб, Фориш туманида банк кўмагида ташкил этилаётган ушбу агрофирма эчкичилик ва паррандачиликни ривожлантиришга хизмат қилиши баробарида мамлакатимиз иқтисодиётини янада тараққий эттиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиши ҳамда аҳолининг нафақат ўзи учун зарур бўлган янги инфратузилма объектларига, балки янги иш ўринларига ҳам эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд этиб ўтдилар.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзагроэксспортбанк»га лицензия берилди

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори билан «Ўзагроэксспортбанк» акциядорлик тижорат банкига (Тошкент ш., Амир Темура кўчаси, 79 А уй) банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди.

Янги банкнинг устав капиталли 10 млн. евро эквивалентиди шакллантирилди. Банкнинг асосий акциядорлари – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (75 фоиз), «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси (10 фоиз), «Ўзагросугурта» АЖ (5 фоиз), «Кафолат СК» АЖ (5 фоиз) ва «Ўзбекинвестхолдинг» ХК (5 фоиз)дир.

«Ўзагроэксспортбанк» АТБ ўзининг устувор йўналишини мамлакатимизнинг агросаноат соҳасини, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш, унинг зарур инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва экспорт салоҳиятини ошириш, мижозларга агросаноат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотларини хорижий банклар, молиявий институтлар, дипломатик ва савдо ваколатхоналари билан ҳамкорликда халқаро бозорларга олиб чиқиш борасиди стратегик дастурлар ишлаб чиқишга қаратади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Матбуот хизмати.

«Қишлоқ қурилиш банк»: мижозлар учун замонавий банк хизматлари

Бугунги кунда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кенг доирадаги замонавий банк хизматлари таклиф этилмоқда.



Хусусан, банк жисмоний шахслардан тўловларни қабул қилиш учун мўлжалланган Android ва iOS платформаси асосиди ишлайдиган мобил қурилмалар учун замонавий дастур бўлган «QQB

Mobile» дастурини ишга туширган. Дастур ёрдамида мижозлар ўзларининг мобил қурилмалари орқали турли тўловларни амалга оширишлари мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 4 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	3058,88	1 Канада доллари	3068,94	1 Норвегия кронаси	477,22	1 евро	4535,46
1 Англия фунт стерлинги	5180,93	1 Хитой юани	587,49	1 Польша злотийси	1074,72	10 Жанубий Корея вони	34,80
1 Дания кронаси	611,49	1 Кувайт динари	13156,51	1 Сингапур доллари	2893,21	10 Япония иенаси	354,49
1 БАА дирҳами	1085,54	1 Россия рубли	67,13	1 СДР	5546,85	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	3986,55	1 Украина гривнаси	153,19	1 Туркия лираси	1132,90		
1 Миср фунти	220,01	100 Ливан фунти	265,06	1 Швеция кронаси	472,59		
1 Испандия кронаси	39,13	1 Малайзия ринггити	927,86	1 Швейцария франки	4153,53		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма курсаткичи:

1 USD ▲ 3986,55 – (3958,56) | 1 EUR ▲ 4535,46 – (4422,11) | 1 GBP ▲ 5180,93 – (5037,27) | 10 JPY ▲ 354,49 – (353,85)

Мамлакатимиз Президенти монетар ва фискаль тузилмаларга қатор топшириқлар берди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбиркорлик субъектларининг саноат, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги лойиҳаларини, шунингдек, ижтимоий йўналишдаги давлат дастурларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва кредитлаш шартларини энгиллаштириш чораларини кўриш вазифаси топширилди. Айни мақсадлар учун манфаатдор вазирлик ва идораларнинг Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Бундан ташқари, Давлат Статистика қўмитасига Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 январидан бошлаб амалиётга инфляция даражасини ҳисоблаш ва мониторинг қилиш методикасини товар ва хизматларни танлашнинг халқаро стандартларга мос келувчи такомиллаштирилган методикасини жорий этиш вазифаси топширилди.

Хужжатда, шунингдек, олий таълим муассасаларида 2017/2018 ўқув йилида тўлов-контракт асосида ўқиш нархи 2016/2017 ўқув йили даражасида сақланиб қолиши айтиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Матбуот хизмати.

«Қишлоқ қурилиш банк»: миждозлар учун замонавий банк хизматлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу тизим уяли алоқа операторлари ва шаҳар телефони хизматлари, интернет провайдерлар ва рақамли телевидение хизматлари, коммунал тўловлар (электр энергия, табиий газ, иссиқлик манбаи, ичимлик суви, махсустрас ва ҳ.к.), истеъмол ва ипотека кредитлари учун тўловларни амалга ошириш, ҳисоб рақамлар ҳолатини кўриш ва тўлдириш, «Smart-Vista» онлайн пластик карта қолдиқлари ва унинг айланмалари бўйича маълумотлар олиш, мазкур банк ичида маблағларни бир пластик картадан бошқа картага ўтказиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича жарима тўловларини амалга ошириш каби имкониятларга эга.

Маблағларни «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ тизимида ўтказиш бепул. Шунингдек, «МУНИС» тўлов тизими орқали турли хил хизмат кўрсатувчи провайдерлар учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

«QQB Mobile» дастурига улашиш учун интернет тармоғи мавжуд Android тизимида шловчи уяли алоқа телефонлари орқали «PlayMarket» иловаларидан «QQB Mobile» иловаси юклаб олинади.

«Қишлоқ қурилиш банк» тизимида миждозлар учун «Депозит банкинг» мобил хизмати орқали ҳам хизматлар кўрсатилмоқда. Банк омонатчилари мазкур мобил дастур ёрдамида ўз депозит ҳисоб рақамларидаги маблағлар доирасида нақдсиз амалиётларни банк муассасаларига кел-

масдан, шахсий мобил телефонлари орқали бажариш ҳамда омонатлари бўйича маълумот олиш имконига эга бўлмоқдалар. Бунда муассаса миждозлари «Депозит банкинг» мобил дастуридан хавфсиз фойдаланишлари учун махсус логин ва пароллар билан таъминланади.

Омонатларга ҳисобланган фоизларни чиқим қилиш, муддати тўлган омонатларни тўлиқ ёки қисман қайта расмийлаштириш дастур тақдим этадиган хизматлар ҳисобланади. Агар миждоз омонатини қисман расмийлаштиришмоқчи бўлса, орадаги фарқ қиладиган сума унинг талаб қилиб олинганча ҳисоб рақамига автоматик тарзда ўтади. Бунда омонатни нақдсиз ёпиш ёки омонатни муддатидан олдин нақдсиз ёпиш амалиётлари бажарилади.

Омонатларни ёпишда ёки уларга ҳисобланган фоизларни чиқим қилишда омонат ва унга ҳисобланган фоиз суммалари ҳам автоматик равишда ҳисобланади. Ҳисобланган устамаларни жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамлари ёки «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан жисмоний шахсларга эмиссия қилинган пластик карталарга ўтказиб бериш мумкин.

Бундан ташқари, банк миждозларига «Депозит банкинг» мобил дастури ёрдамида омонат шартлари, омонат ҳисобварақлари айланмаси ҳамда уларнинг муддати тугаганлиги тўғрисида «SMS-хабарнома» жўнатиб туради.

Жасур МИРЗАЕВ.

«Трастбанк»: ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Матбуот анжуманида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида белгиланган вазифалар, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ижросини таъминлаш борасида «Трастбанк» ХАБ ҳамда «FORISH AGRO VALLEY» МЧЖ томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳусусида сўз юритилди.

Таъкидлаш жоизки, Фориш туманида «Трастбанк» ХАБ кўмагида «FORISH AGRO VALLEY» МЧЖ ташкил этилган ҳамда бугунги кунда ушбу агрофирма томонидан эчкичиликни ривожлантириш бўйича қурилиш ҳамда ташкилий масалалар амалга оширилаётгани ҳақида ба-

тафсил ахборот берилди.

«FORISH AGRO VALLEY» МЧЖда эчкичиликни ривожлантириш ва жун йўналишидаги насли эчкилар лойиҳасини ҳаётга татиқ этишнинг умумий қиймати 11,5 млрд. сўмни ташкил қилади. «FORISH AGRO VALLEY» МЧЖнинг лойиҳадаги ўз маблағи билан иштироки 3,0 млрд. сўмни, банк кредитлари эса 8,5 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу лойиҳа бўйича 40 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Тадбирда, шунингдек, шу йилнинг март ойдан бошлаб Фориш туманида «Трастбанк» ХАБнинг Фориш бўлими аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишни бошлагани, Жиззах шаҳрида «Трастбанк» бўлимининг биноси қурилиши олиб борилганлиги ва йил якунига қадар

ишга туширилиши режалаштирилгани маълумот ўрнида келтириб ўтилди.

Республикаимиз бўйлаб «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш» лойиҳаси доирасидаги тадбирлар мазкур туманда ҳам фаол ўтказилиб, эчкичилик ва паррандачиликни ривожлантириш борасида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида «Трастбанк» ХАБ томонидан Фориш тумани марказида алоҳида ўқув маркази ҳам ташкил этилди. Ҳозирда ушбу ўқув марказида банк, солиқ, ҳоқимият ва бошқа идоралар мутахассислари иштирокида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари, коллеж битирувчиларига турли ўқув курслари ва семинарлар ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, Фориш тумани марказида ва Хонбанди шаҳарчасида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш марказлари фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, мазкур марказлар меъёрий хужжатлар, банкларнинг кўрсатаётган хизматлари тўғрисидаги буклетлари, тадбиркорлик йўналишлари бўйича бошланғич бизнес-режалар ва бошқа хужжатлар билан таъминланган.

Тадбир давомида вилоятда эчкичиликни ривожлантириш мақсадида «FORISH AGRO VALLEY» МЧЖ эчкичилик фермасининг қурилиши бўйича тамапл тоши қўйилди.

Бекзод АКРОМОВ

Хоразмда балиқчилик хўжаликлари фаолияти

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йил 1 майда қабул қилинган «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор талаблари ижроси «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банкининг минтақавий филиаллари фаолияти мисолида янада яққол кўзга ташланмоқда.

— Мамлакатимизда кейинги йилларда балиқчиликни ривожлантириш, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнларини ўзда мужассам этган мувофиқлаштирувчи тизим яратиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, — дейди «Ипотека-банк» АТБ Хоразм вилояти Тинчлик филиали бошқарувчиси Қаҳрамон Адамбаев. — Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қарор бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар суръатини янада кучайтирди.

Хоразм вилоятида ҳам соҳада маҳсулдорликка эришиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда вилоятда жами 6992 гектар сув ҳавзаси мавжуд бўлиб, улардан 453 та балиқчилик хўжалиги унумли фойдаланиб келмоқда.

Бундай хўжаликларда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва татиқ этишга тадбиркорлик субъектларига банк ходимлари томони-

дан ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Ҳозирда вилоятда 125 млн. дона балиқ личинкаларини етиштириш қувватига эга бўлган 4 та инкубацион цех ҳамда жами 18 млн. дона балиқ чавқоқлари етиштириш қувватига эга бўлган 4 та репродуктор (парваришхона) самарали ишлаб турибди.

Жорий йил давомида банк филиали томонидан мазкур тармоқни янада ривожлантириб, ҳудуд истеъмол бозорига сифатли ва хавфсиз балиқ маҳсулотларини етказиб бериш қувватини ошириш мақсадида қарийб 30 млрд. сўмлик кредит ажратилиши режалаштирилган. Бунда 80 га яқин лойиҳанинг ишга тушиши натижасида аҳоли бандлиги ҳам таъминланади.

Амалга оширилаётган лойиҳалар эвазига эса, жорий йилда вилоятда балиқ етиштириш ҳажми ўтган йилга нисбатан 2 038 тоннага кўпайиб, балиқ овланиши 12 минг тоннага оширилиши мўлжалланган.

Наргиз АҲМЕДОВА.

Банк кредити ишбилармон хунармандга кўмак берди

Аҳоли бандлигини таъминлашга ўз хиссасини қўшаётган тadbиркор ва хунармандларимиз ҳақида қизиқиб, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгашига мурожаат қилганимизда, тикув цехи очиб, 50 хилдан зиёд маҳсулот тайёрлаётган ёш хунармандни тавсия қилишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус – 2017» кўрик-танлови иштирокчиси, ёш хунарманд Шоҳида Ҳожиевнинг Чилонзор туманида жойлашган тикув цехида иш қизгин. Бичилиб, ярим тайёр маҳсулот ҳолига келган мато бўлаклари тартиб билан тахланган. Улардан болалар сумкалари, аёллар ҳамёллари тайёрланмоқда. Энг муҳими, бу жараён сифатли ва батареб муҳитда амалга ошмоқда.

тушган қизларимиз етарли кўникмани эгаллагандан сўнг уларга меҳнат дафтарчалари очиб, ишга олмақчимиз, дейди ёш хунарманд.

– Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицейни битирганимдан сўнг, ўзим истаган олий ўқув юртига ўқишга киролмадим. Бундан тушкунликка туриб қолдим. Менинг аҳолимни тушунган онам, ҳаётда ўз ўрнини топмоқчи бўлган инсоннинг эл кори-

ни ўргандим. 2016 йил тикув цехи ташкил қилиб, ишни бошлаб юбордим. Ишимизнинг ривожига «Микрокредит» акциядорлик тижорат банкидан олинган имтиёзли кредит жуда қўл келди.

Бугунги кунда тикув цехининг буюртмачилари кўп. Бунга сабаб буюртмалар ўз вақтида сифатли қилиб бажарилмоқда. Шунга яраша даромад ҳам ошиб бормоқда. Шоҳида айни вақтда янги бизнес-режа устида иш олиб бораётган экан.

– Яқинда Президентимиз имзолаган «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Фармонда шахсий бизнесини ташкил этишни хоҳловчилар, илк бор меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг тadbиркорлик ташаббуслари амалга оширилишини рағбатлантириш ва кўмаклашиш асосий вазифалардан бири сифатида белгилангани мени янги лойиҳалар устида ишлашга ундади, – дейди Ш.Ҳожиева. – Келгусида махсус мато – дерматин ва турли безакларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона очмоқчиман.

Хунармандлик ва тadbиркорлик аҳоли бандлиги, турмуш фаровонлиги, оилалар тўқинлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири. Буни юртимизда шу соҳаларга берилётган алоҳида эътибордан ҳам англаш мумкин.



Шоҳидага цехни юритишда оила аъзолари яқиндан кўмак бераётган экан. Опаси Шаҳнозахон бичиш ишлари ва маҳсулотларнинг янги дизайнини яратишга масъул бўлса, онаси Мамлакат опа цехда хунар кўникмаларини ошираётган Зангиота қурилиш ва тadbиркорлик касб-хунар коллежининг беш нафар битирувчисига бош-қош. Шогирд

га ярайдиган касби ё хунари бўлиши керак, деб далда берди ва опам Шаҳнозадек уста чевар бўлишга ундади. Шундан сўнг тикувчилик сирларини ўргана бошладим. Бир куни кўлимга бежирим аёллар ҳамёни туриб қолди. Адрес матосидан дид билан тайёрланган маҳсулот менда катта қизиқиш уйғотди. Бундай маҳсулотларни тикиш услулари, хиллари, бозори-

Қатъий мақсад меваси

Карманалик Абдулхай Нусратуллаев икки йил аввал касб-хунар коллежини битиргач, «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки Навоий минтақавий филиали кредити ҳисобидан тикув машиналари харид қилиб, «Янги авлод текстиль» онлавий корхонаси ташкил этди. Корхона қисқа муддатда барқарор ривожланиб бораётган субъектлардан бирига айланди.

– Ўн киши меҳнат қилаётган корхонамизда буюртма асосида замонвий либослар тикилиши билан бирга, ишчилар учун махсус кийимлар ҳам етказиб берилмоқда, – дейди ёш тadbиркор. – Ҳозирда Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси, «Навоий-азот» ва бошқа йирик корхоналар билан шартномамиз бор.

А.Нусратуллаев мамлакатимизда яратилаётган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, аҳоли дастурхонига тухум ва перҳез гўшт етказиб бериш мақсадида бедана парваршини ҳам йўлга қўйган.



Ўза материаллари асосида.

Саноат корхоналари фаолияти такомиллашмоқда

Нукусда Оролбўйи минтақаси аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалтириш, тadbиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси иқтисодий вазир Г.Саидова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, соҳани мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришнинг асосий таянчига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилгани ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 мартдаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тadbиркорлик фаолиятини олиб бориш учун қўшимча қулай шароитлар яратиш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Қарори Оролбўйи ҳудудида бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда янада кенг имкониятлар яратди.

Ҳужжатда Қорақалпоғистон Республикасида уч йўналиш – қурилиш материаллари, электротехника ва фармацевтика саноати корхоналари учун янада қулай ва рақобатбардош иш муҳити яратиш кўзда тутилган. Унга кўра, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, йўл-транспорт харажатлари ва божхона тўловларида преференциялар бериш бўйича бир қатор имтиёзлар белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида рўйхатдан ўтиб, фаолият юритаётган юридик шахс-

лар ўз маҳсулоти экспортидан келиб тушадиган валюта тушумини мажбурий сотишдан озод этилди. Илгари йирик корхоналар экспортдан оладиган валюта тушумининг 50 фоизини Марказий банкка сотган бўлса, энди валюта тушумининг тўлиқ суммаси корхона ихтиёрида қолдирилади. Бу корхонада қўшимча валюта маблағлари шаклланишига, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини олиб боришга кенг имконият яратди.

Тadbирда Президентимизнинг жорий йил 18 январдаги «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори доирасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

Ҳудуддаги саноат корхоналари салоҳиятини янада оширишга йўналтирилган Дастурга мувофиқ қурилиш материаллари, электротехника ва фармацевтика соҳаларидаги корхоналарнинг солиқ юки энгиллаштирилиб, 2017 йилдан бошлаб Мўйноқ, Шуманай, Қанлиқўл, Тахтақўпир, Чимбой туманларида саноат соҳасида янгидан ташкил этиладиган кичик бизнес субъектлари 10 йил муддатга ягона солиқ тўловларидан озод этилади.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси саноат корхоналарининг фаолиятини янада яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифалар белгилаб олинди.

МОБИЛЬ БАНКИНГ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЎЗГАРТИРМОҚДА?

Сўз Кениядаги Виктория кўли соҳилида жойлашган Сори қишлоғида балиқчилик қадимдан маҳаллий иқтисодиётнинг асоси ҳисобланиши ҳақида борарди. Бу ерда аниқ меҳнат тақсими шаклланиб: эркаклар балиқ овлашади, аёллар унга ишлов беради, бозорда сотади ва рўзгорни шундай оддий тарзда тебратишади.

SIT институти (ижтимоий тадқиқотларга ихтисослашган, АҚШнинг Вермонт штатидаги Браттлборо шаҳрида жойлашган халқаро институт) томонидан 2012 йилда ўтказилган тадқиқотда айтилишича, илгари Сорида яшовчи одамлар маблағларини уйларида сақлашган. Банклар ва уларнинг бўлимлари жуда олис масофаларда жойлашгани, қолаверса, банклар қишлоқ аҳолиси таъминлаб беролмайдиган даражадаги энг паст депозит суммасини талаб қилгани сабабли одамларнинг деярли ҳеч бири банклар хизматидан фойдаланмаган.

Бироқ M-PESA мобил сервисининг жорий этилиши билан вазият ўзгарди, унинг ёрдамида кенияликлар бор-йўғи мобил телефондан фойдаланган ҳолда пулларини ўтказиш имконига эга бўлишди. M-Pesa – мобил оператор абонентлари учун тўлов хизматларини етказиб берувчи восита сифатида ишлаб чиқилган эди. Мазкур сервис «Sagentia» компанияси томонидан Кения учун махсус ишлаб чиқилган. 2009 йилнинг сентябрида сервис «Vodafone» учун IBM платформасига ўтказилди. Аҳолига телефондан оддий SMS-хабар ёрдамида ўз маблағларини ўтказиш ўргатилди. M-PESAнинг пухта йўлга қўйилган агентлик тармоғи маблағларни олиб чиқиш ва нақдлаштириш, ҳисоб рақамни тўлдиршига имкон берди. Сервис жорий этилгандан кейин сўровда қатнашган кўпчилик аёллар ўз пулларини M-PESA ҳисоб рақамларида сақлаётганини ҳамда эндиликда ўғрилардан ҳам, турмуш ўртоқларининг исрофгарчилигидан ҳам хавотирга тушмаётганини айтишган.

АҚШдаги «The Verge» интернет нашрининг раҳбарлари тўрт йил аввал Билл Гейтсни таклиф қилиб, замонавий тўлов технологиялари билан умуман таниш бўлмаган, лекин банк дастакларидан фойдаланишни ўргатиш одамлар ҳаётини яқин 15-20 йил ичида жиддий тарзда ўзгарирадиган технологиялар тўғрисидаги махсус лойиҳанинг муҳаррири сифатида ундан маъруза ўқишни илтимос қилишди. Дунёда технологиялар ривожланишини ёритиб борувчи «Rusbase» нашри ўша даврда Билл Гейтс таҳрири остида мобил технологияларнинг Кения иқтисодиётига таъсири, мазкур тажрибани бошқа мамлакатларга мослаштириш имкониятлари тўғрисида мақола чоп этди.

M-PESA тизими жорий этилгач, маҳаллий аҳолининг аънанавий савдо тўғрисидаги таассуротлари кескин ўзгарди: авваллари савдо фақат нақд пулда амалга ошириларди. Овланган балиқчи сотиш учун аёллар пул ва вақтини сарфлаб, Найробига бориб-келишган. M-PESA сервиси жорий этилиши билан товарни бозорга автобусда элтадиган бўлишди, ҳақини эса масофадан туриб олиш мумкин бўлиб қолди. «Илгари битта сотувчи тахминан ҳафтасига икки сават балиқ сота оларди. Энди эса у балиқни сотиб олиш ва автобусда Найробидан харидорга етказиб бериши учун битта тоннинг ўзи етарли», дейилади тадқиқотда. Ойлар озми-кўп жамғармага эга бўла бошлашди, кўпчилик узоқ муддатли инвестициялар киритишга, масалан, фарзандини яхшироқ мактабга жўнатишга ёки ўзи учун сув тошқинлари мавсумидан эсон-омон ўта оладиган мустаҳкам уй қуришга имкон топди.

Билл Гейтснинг айтишича, M-PESA электрон банкинг жабҳасидаги бу каби лойиҳалар яқин келажакда бундай мамлакатлар аҳолисининг ҳаётини кескин тарзда яхшилашга хизмат қилади. «Яқин 15 йил ичида электрон банкинг кам таъминланган аҳоли қатламларига ўз харажатларини назорат қилиш ва шу орқали ўз турмуш тарзларини яхшилашга имкон беради, – дея ёзади у. – 2030 йилга бориб, бугунги кунда банк ҳисоб рақамига ҳам эга бўлмаган 2 млрд. га яқин аҳоли мобил телефонлар ёрдамида ўз пулларини сақлайди ва тўловларни амал-



га оширади. Шу даврга бориб мобил банклар операторлари молиявий хизматларнинг бутун жабҳасини – фойз ставкасига эга бўлган омонат ҳисоб рақамлардан бошлаб кредитлаш ва сугуртани тақдим этади».

Мобил банклар – бу кўплаб ривожланаётган мамлакатларда тез тараққий этиб бораётган соҳа. Сайёрамизда қарийб 2,5 млрд. нафар киши банклар хизматидан фойдаланиш имкониятидан мосуво. Шундан тахминан 1 млрд. нафари мобил телефондан фойдаланади. Мобил телефонларнинг кенг тарқалиши бир қатор ривожланаётган мамлакатларда янги технологик молиявий дастаклардан фол тарзда фойдаланишга имкон берди.

«The Atlantic» журналида чоп этилган тадқиқотга кўра, тропик Африканинг ёши катта аҳолиси мобил банкинг хизматларидан европалик ва америкаликларга нисбатан уч баравар кўп фойдаланади. Яқинда ўтказилган бошқа тадқиқотда аниқланишича эса тўққизта Африка мамлакатидан мобил тўлов сервисларидаги ҳисоб рақамлар аънанавий банк ҳисоб рақамларининг жами миқдоридан ошар экан.

Кения аҳолисининг мобил банкингдан фойдаланиш амалиёти кўпинча мобил тўлов воситалари мамлакат иқтисодиёти ҳолатини қай тарзда кескин ўзгариши олишига мисол тариқасида келтирилади. Бугунги кунда M-PESA шарофати билан кениялик ёши катта аҳолининг 65 фоизи мобил банкингдан фойдаланади. Кения Марказий банки кўмағида «Vodafone» ва «Safaricom» телекоммуникация мутахассислари томонидан ишлаб чиқилиб жорий этилган M-PESA 2010 йилга келиб ривожланаётган мамлакатларда энг муваффақиятли мобил тўлов сервисига айланди. 2014 йилда тизим 20 млрд. АҚШ доллари қийматидаги транзакцияларни амалга оширди, бу эса миллий ЯИМнинг тахминан 40 фоизни ташкил этади. Хизматнинг кенг тарзда тарқалиши Кения иқтисодиётини мустаҳкамлади, деб ҳисоблайди Жоржтаун университетининг иқтисодиёт фанлари профессори, доктор Уильям Жек. У Массачусетс технологик институтининг доктори Тавнит Сури билан ҳамкорликда M-PESA феноменини тадқиқ этиб, уни қўллашдаги самарадорликка бағишланган бир қатор мақолаларни чоп эттирган.

M-PESA тўлов тизими одамларнинг молиявий фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади деган қатъий далил бор, – дейди профессор Уильям Жек.

M-PESAни жорий этиш тажрибаси ва унинг иқтисодиёт ҳамда банк фаолиятини ривожлантиришдаги таъсири кўплаб молия мутахассисларини, шунингдек, Билл ва Мелинда Гейтсларнинг фондини ҳам мобил тўлов тизимлари кам

КАФТ ЁРДАМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТЎЛОВ ТИЗИМИ ТАҚДИМОТИ

«Lotte Card» компанияси кафтни скан қилиш ёрдамида тўловлар жараёнига ишлов берувчи биринчи тизимни тақдим этди.

«Hand Pay» янги тўлов усулининг тақдими Сеул шаҳрида бўлиб ўтди. У мижозларга кафтдан идентификация усули сифатида фойдаланиб, тўловларни амалга оширишга имкон яратади. Бу дунёдаги биринчи биотўловлар сервиси бўлиб, харидни амалга ошириш учун инсон танасига ато этилган ноёб маълумотдан фойдаланишга мослаштирилган.

«Hand Pay» тўловларни амалга ошириш қулайлигини энг юқори даражада таъминлайди. Чунончи, бунинг учун мижозларга на кредит карталари ва на смартфонлар керак бўлади. Тизим фойдаланувчининг кафт сканини рўйхатдан ўтказиши ва қабул қилинган маълумотларни «Lotte Card» ва Корея молиявий телекоммуникация ва клиринг институти томонидан бошқарилувчи алоҳида серверларга тақсимлайди. Ҳатто муайян бир сервердаги маълумотлар ўғирланган ҳолатда ҳам мазкур маълумотлар тўлиқ бўлмагани сабаб-



ли бузгунчиларга ҳеч бир наф келтирмайди. Мижоз тўлов учун шунчаки кафтини сканерга тутати, яқиндаги инфракизил диапазон нури эса қўтмомирнинг ноёб нақшсимон чизиқларини ўқиб қайд этади.

Компания «Hand Pay» сервисини кенгайтириш ва Кореянинг бир неча чакана савдо тармоқларида ташкил қилишни режалаштирмоқда.

БАНКОМАТЛАР МИЖОЗЛАРНИ ЮЗИДАН АНИҚЛАЙДИ

Йирик кредит ташкилотлари ташқи кўриниш асосида аутентификацияни жорий қилишни режалаштирмоқда.

Россия банклари ўз банккоматларида юз орқали идентификацияни жорий қилишни мўлжалламоқда.

Операцияларни амалга ошириш учун фуқаролар картани киритиши ва рақамли паролни териши талаб этилмайди.

Кредит ташкилотларида ҳисоблардан фойдаланиш учун рухсатга эга бўлиш ва банккомат орқали операцияларни амалга ошириш, бошқа ҳисобларга маблағ кўчириш, нақдлаштириш ёки хизматлар учун тўловни амалга ошириш бўлсин, қатъи назар, юз қиёфасидан текширишни жорий қилиш режалаштирилмоқда.

Яқинда Хитоёда ана шундай биометрик параметрлар бўйича текшириш усули пайдо бўлди. Макао оролидаги банккоматларда «Union Pay» фойдаланувчиларини юз қиёфасидан идентификация қилиш йўлга қўйилган.

БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ривожланган мамлакатларда банк хизматларини ривожлантириш учун кучли дастак бўла олишига ишонтира олди. Бошқа томондан замонавий банк маҳсулотлари ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган аҳолига замонавий банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратишидан дарак беради.

– Мобиль алоқадан фойдаланиш имконияти бор одамлар, қаерда бўлишидан қатъи назар, Кения ёки Танзаниянинг ҳатто чекка қишлоғи бўладими, ўз электрон ҳисоб рақамларида биров жамғармаларга эга бўла оладилар, – дейди Билл Гейтс «The Verge» порталига берган интервьюсида. – Бу одамлар иқтисодиётнинг фаол иштирокчиларига айланишмоқда. Вақти келиб эса, масалан, фарзандининг ўқишига пул тўлаш керак бўлганда уларнинг йил давомида йиққан жамғармаси асқотади. Бу кўпга оилаларнинг ҳаётини тубдан ўзгартиради.

Лекин банклар ва телекоммуникация бозори вакилларининг аниқлашича, М-PESAнинг муваффақиятини бошқа ривожланаётган мамлакатда такоррпацияш анча мушкул бўлади. Масалан, 2010-2013 йилларда мобиль тўлов сервислари Ҳиндистон, Нигерия ва Бразилияда фаол жорий этила бошланди. Бироқ таҳлилчилар ўсишнинг паст суръатларини қайд этишган.

– Дунё бўйлаб турли минтақаларда электрон тўловларни жорий этишнинг қарийб 200 га уринишлари бўлган, аммо уларнинг бор-йўғи тўртдан бири ёки бешдан бири муваффақият қозонган, – дейди «Financial Times»га берган интервьюсида «Vodafone» компаниясининг мобиль тижорат бўлими маси директори Майкл Жозеф.

Кенияда иқтисодиёт оёқга тура бошлаганига гувоҳ бўлганларнинг кўпчилиги «Эндиликда дунёни мобиль пуллар босиб кетади» деб ўйлади. Кўпчиликка жаҳонда кўп оилалар ўзини молиявий эллаб кетишича кўмак берувчи сеҳрли дастак пайдо бўлгандек туюлди. Бироқ бошқа мамлакатларда тизим Кенияда ишлагандек самарадор бўлмади. М-PESA тизимининг шиддат билан кўтарилишига сабаблардан бири хизматлар мамлакатда мобиль операторларнинг энг йириги – «Safaricom» компанияси то-



монидан кўрсатилганидир. Кенияда инфратузилманинг заифлиги мобиль пуллар тизими ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, етарлича ривожланмаган банк тизими, йўлларнинг ёмон аҳволдалиги, барқарор бўлмаган сиёсий вазият – буларнинг ҳаммаси М-PESA жозибдор бўлишини таъминлади. Тизимнинг Кенияда муваффақият қозонишига сабаб бўлган барча омиллар нисбатан ривожланган ва қаттиқ назорат қилинадиган бошқа мамлакатлар иқтисодиётида иш бермади, дея қайд этишади «Forrester Research» компаниясининг мобиль банкинг соҳасидаги таҳлилчилари. Яъни Кениядаги ҳоқимият ва молия институтлари тавваккалчиликнинг анча юқори даражаси ҳолатида янада қулайроқ шароитлар ярата бошладилар. Мазкур тизимнинг ўзга мамлакатларда заиф ишлашига сабаблардан яна бири мобиль тўловларнинг Ҳиндистонга ўхшаш мамлакатларда ҳали катта муваффақият қозонмаганлигида кўринади, чунки бу жойларда изга тушиб кетган банк тизими ишлаб турибди. Шу тариқа мобиль тўлов тизимларнинг ривожланиши мавжуд институтлар доираси билан чеклангандир. Банклар ўз даромад манбаларини сақлаб қолишга ҳаракат қилишади, шу туфайли бу каби инновацияларга қизиқиш билдираётгани йўқ, дея таъкидлашади таҳлилчилар.

Таҳлилчи ва банклар барча жиҳатларни ҳисобга олиши ҳамда сўнгги

икки йилда мобиль тўлов тизимлари ривожлантириш бир маромга тушиб олди. Африка, Осиё ва Латин Америкасида юқори рақобатбардошликка эга бўлган, пухта ривожланган янги бозорлар вужудга келди. Гейтс фонди буюртмаси билан «Groupe Speciale Mobile Association» (GSMA) ассоциацияси томонидан ўтказилган тадқиқот жаҳонда мобиль тўловлар сервисининг сони 64 дан 255 тагача ошганини кўрсатади. Илк қонуний мобиль тўловлар сервислари 2010 йилда пайдо бўлган Бангладешда электрон тизимлар муомаласи уч баравардан кўпга ошган. Филиппинда ҳам тўлов тизимлари шу тарзда ривожланган, бу ерда энг яқин масофадаги банк кўпинча энатрофдаги оролда жойлашган бўлиб, унга сув йўли орқали етиб боришга тўғри келади. ХВФ яқинда ўтказган тадқиқотнинг кўрсатишича, филиппинликлар учун мобиль пуллardan фойдаланиш нафақат қулай ва хавфсиз, балки фойдалироқ ҳам экан: банкинг воситачилик ҳақи ўртача 2,5-10 фоизни ташкил этади, мобиль тўловлар тизимида эса худди шу хизматлар учун ўртача бор-йўғи 1 фоиз ундирилади.

Яқин истиқболда мобиль банкинг ривожланаётган мамлакатларда бир қатор муҳим банк-молия масалаларини, масалан, карточкага машо олиш, солиқларни тўлов тизимлари орқали тўлашни ҳал этиши мумкин. Узоқ истиқболда эса, экспертлар-

нинг фикрича, қўшимча хизматларнинг жорий этилиши, базавий мобиль молия платформасидан ташқари, оилаларнинг моддий фаровонлигига таъсир этиши мумкин. Кенияда М-PESA бошқа компаниялар ва шерик банклар билан ҳамкорликда хизматларнинг кенг қатламини ва молиявий маҳсулотларни таклиф қилишни бошлади. Фермер хўжаликларини ривожлантириш ва таълим ҳақини тўлашга йўналтирилган инновацион таклифлар, махсус омонатларни ва кредит дастурларини ишга тушириш кутилмоқда. Кенияда бу М-PESA компанияси ва Африка Тижорат банкининг ҳамкорликдаги лойиҳаси – M-Shwariга ўз аксини топди. Ишга тушганидан бошлаб икки йил мобайнида M-Shwari тизими 1,47 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни омонатларга жалб эта олди. Маиший эҳтиёжларни қондириш ҳам мобиль тўлов тизимлари кенг тарқалишининг омилларидан бири бўлди.

Йиллик баёнотномасининг якунида Билл ва Мелинда Гейтслар мобиль тўловлар тизимлари соҳасидаги инновациялар бугунги кунда дунё бўйлаб, айниқса, жаҳон молиявий инқирозидан кейин фойда бермай кўйганлиги сабабли йирик банклар филиалларини ёпгандан кейин ривожланаётганини қайд этишди.

Билл Гейтс «The Verge» порталига берган интервьюсида «Аҳолининг кам таъминланган қатламларига банк хизматларини кўрсатиш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб бормоқда. Филиаллар ва банкотматлар тармоғи орқали эмас, айнан уяли телефонлар орқали бу иш фойдалидир» деди. Баёнотномасида эса у ўз фикрини ривожлантиради: «Аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасида банк хизматларига бўлган талаб кучайгани, қолаверса, кам таъминланган одамлар аслида тўловга қобилиятли мижозлар бўлиши мумкинлигини келиб чиқиб, ривожланаётган мамлакатлардаги тадбиркорлар катта ишларни амалга оширишмоқда».

Дарҳақиқат, анъанавий банк тизими турли объектив сабабларга кўра аҳолининг кўпчилик қисмига хизмат кўрсата олмаётган жойда бу бўшлиқни айнан мобиль технологиялар тўлдираётгани бутун дунёда таъминилга айланиб бормоқда.

Лола СОАТОВА тайёрлади.



Россиядаги бир қатор банклар Хитой тажрибаси асосида терминалларда юз қиёфасидан аниқлаш тизимини жорий қилишмоқчи.

Мутахассислар банкотматларда биометрик технологияларни жорий этиш мижозларни идентификация ва аутентификация қилишда катта имкониятлар эшигини очишини таъкидламоқдалар. Юз қиёфасини аниқлаш тизими 2D ёки 3D форматда бўлиши зарур. «Ясси сурат» кўпроқ заифликларга эга бўлиб, уни кўлга кириштириш ёки худди аслидек акс эттириш жуда осон.

ШВЕЦИЯДА БАРЧА ТЎЛОВЛАР – НАҚДСИЗ ШАКЛДА

Бугунги кунда швед жамияти – сайёрамиздаги энг «нақдсиз» жамият саналади. «Рикс-банк» маъмулотларига кўра, 2017 йилнинг I чорагида 56,8 млрд. крон (\$6,4 млрд.) кўрсаткич билан муомаладаги банкнот ва тангалар сони 1990 йиллардаги даражага қайтган.

Айни дамда нақдсиз шаклдагилари билан бирга кўшилган ҳолда, маблағлар йиғиндиси ўсишда давом этди. Натижада нақд маблағнинг ҳиссаси 2 фоизга қадар пасайди. 2007 йилда қайд этилган энг юқори кўрсаткичдан буён муомаладаги банкнот ва тангалар баҳоси тахминан 40 фоизга қисқарди.

Мамлакатнинг энг йирик ҳисобланган банклари (SEB, «Swedbank», «Nordea Bank») бўлиналарида энди қарийб нақд пуллари иштирокида ҳеч бир операция амалга оширилмайди. Энг йирик банкларнинг тўртинчиси саналган «Svenska Handelsbanken» 2013 йилда қолган учта рақобатчисидан фарқли ўлароқ, барча бўлиналарида нақд пул ёрдамида операция-



ларни амалга оширади. Рақобатчиларда эса мазкур шаклдаги операцияларнинг улуши атиги 25-35 фоизни ташкил қилар эди.

Аслида ҳар қандай тўловларни мамлакатнинг энг йирик банкларига тегишли бўлган кредит ва дебит карталари ҳамда «Swish» мобиль иловаси кўмагида амалга ошириш мумкин. Улардан шведларнинг 5,5 млн. нафари фойдаланади. Ҳатто черковга қилинадиган хайр-эхсонларни ҳам ҳозирда рақамли тўлов ёрдамида жўнатиш мумкин. Нақд маблағларни банк ҳисобига жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар қисқарди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА МАХСУС СИНОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ

Хусусан, молия ташкилотларининг қутилмаган ўзгаришларга нисбатан ҳозиржавоблиги, тайёргарлиги даражасини аниқлаш ҳамда қалтис вазиятлар юз берган тақдирда уларнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги нечоғлик сақланиб қолишини ўрганиш (стресс-синовларни ташкиллаштириш) ноҳуш оқибатларнинг олдини олишга имкон беради.

Иккинчи томондан, стресс-синовлар сўнги ўн йилликда юзага келадиган йирик молиявий инқирозлар мажмуасига нисбатан жаҳон молия ҳамжамиятларининг ўзига хос жавоби сифатида намоён бўлмоқда. Нархларнинг кескин ўзгариши ва молия ҳамда бошқа бозорларнинг нобарқарор ҳолати кузатилаётгани молия институтларининг таваккалчилик даражаси ошишига олиб келмоқда.

Аслида стресс-синовлар молиявий институтларга нисбатан қўйилаётган талаб ёки янги восита эмас. Банк тизимида таваккалчилик менежментининг ривожланиш жараёнлари чуқур ўрганилганида жаҳон молиявий инқирози юзага келишига қадар ҳам йирик молиявий муассасаларда бу каби текшириш амаллари мавжуд бўлганлиги аниқланди. Бироқ бундай амаллар асосан таваккалчиликни бошқариш вазифаларидан бири сифатида ифодаланган ва уларнинг банк фаолиятидаги бошқа йўналишларга таъсири юқори бўлмаган. Айнан шу сабабли унга жиддий эътибор қаратилмаган.

Кейин жаҳон молиявий инқирози даврида аниқланишича, бизнесга оид битимлар ва асосий фаолият турлари рўйхатга олинмаган ва стресс-синовлар якуни ва натижаларига эътибор қилинмаган ҳолда иш юритилган банк ва молиявий муассасаларда қопланмаган зарарлар у қадар катта бўлмаган.

Айни пайтда таъкидлаш лозим, ҳозирги кунга қадар турли хил молиявий институтлар томонидан фойдаланилаётган стресс-синовларнинг услубий жиҳати муайян хусусиятга эга камчиликлар ҳам учраган. Яъни банклар ҳар доим ҳам стресс-синовларни тўғри ташкиллаштираган, деб айтиб бўлмайди. Бундан ташқари, улар инқирозли ҳолатларга нисбатан тезкорлик билан муносабат билдириш борасида етарли даражада эгилувчан хусусиятга эга бўлмаган. Айни пайтда зудлик билан таваккалчиликларни умумлаштириш, янгича ёндашув ва услубларни ишлаб чиқишнинг уйдасидан доимо ҳам чиқилмаган.

Бироқ бугунги кунда стресс-синовларнинг аҳамияти салмоқли даражада ортди, унинг мазмун-моҳияти, қўлама кенгайтирилди, айни пайтда иқтисодийнинг молия тармоқларидаги чигалликлар ҳам камайди. Молиявий барқарорлик Кенгаши, банк назорати бўйича Базель кўмитаси, банк назорати бўйича Европа кўмитаси, Халқаро молия институти ва бошқа шу сингари халқаро ташкилотлар стресс-синовларни ўтказиш билан боғлиқ услублар, тавсия ва ҳужжатларни такомиллаштирди ва ривожлантирди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юзага келишидан сўнг молиявий институтларнинг барқарорлигини баҳолаш молия муассасаларининг ўзлари билан бир қаторда уларни тартибга солувчи ташкилотлар, марказий банклар учун ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.



Шу муносабат билан бугунги кунда жаҳонда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам стресс-синовлар воситалари ва усулларини чуқур ўрганишга эҳтиёж мавжуд. Шу боис аввалига стресс-синов атамасининг мазмун ва моҳияти ҳақида маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Иқтисодий адабиётларда келтирилишича, стресс-синовлар – бу молия ташкилотлари барқарорлиги, турли тоифадаги ҳолатлар оқибатида юзага келадиган йўқотиш ва эҳтимолий зарарларни индивидуал ҳамда тизимли равишда баҳолашга имкон берувчи кўп услубли молиявий таваккалчилик ва операциян таҳлиллар воситаси саналади.

Айни пайтда ҳар қандай стресс-синовнинг асосий шarti ва мақсади банк тизими (банк) кўрсаткичларини сақлаш (қайта тиклаш) ёки унинг истиқболда нормал ҳолатда фаолият юритишига халал бераётган шароитларни аниқлаш (масалан, банкротликнинг олдини олиш) ҳисобланади.

Халқаро валюта фонди стресс-синовга «макроиқтисодий кўрсаткичлар сөзиларли ўзгаришига ёки истисно, яъни эҳтимолий ҳолатларга нисбатан портфелнинг таъсирчанлигини баҳолаш усуллари» дея таъриф берди.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки эътирофига кўра, «стресс-синов –

молиявий институтлар томонидан ўзининг истисно, лекин эҳтимолий воқеалиқларга нисбатан таъсирчанлигини баҳолаш мақсадида фойдаланиладиган усуллар мажмуини назарда тутувчи атам».

Базель кўмитасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ, стресс-синовлар банк таваккалчилик менежменти тизимидаги жами бўшлиқни тўлдиролмайди, бироқ таваккалчиликни бошқаришнинг мажмуавий ёндашуви бир қисми сифатида улар миллий банк тизими ва кредит муассасаларининг барқарорлиги ва корпоратив бошқарувини мустаҳкамлашда муҳим ўринни тутди. Яъни стресс-синовлар таваккалчиликни бошқаришнинг бошқа ёндашувларини тўлдирувчи чора ҳисобланади.

Аслида банкларда аксарият стресс-синовлардан кўзланган мақсад тўлов қобилияти ва сармоя (биринчи даражали сармоя)нинг етарлилик даражасини баҳолашдир.

Ахборот базаси сифатида аънавий молиявий ҳисоботлардан, алоҳида ҳолларда қўшимча маълумотларга эга махсус ҳисоботлардан фойдаланилмоқда.

Молия ташкилотларида молиявий барқарорликни синовдан ўтказиш амалиёти ва босқичлари қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

- устувор таваккалчилик рўйхати, уларнинг мақбул кўрсаткичлари рўйхатини аниқлаш;

- қалтис вазиятларда оқибатлар тури ва даражасини тахмин қилиш орқали уларни бартараф этиш эҳтимолий чораларини ишлаб чиқиш;

- шок ҳолатига оид қилинган башоратдаги кўрсаткичнинг ўзгаришига экспертларнинг ҳозиржавоблиги даражасини аниқлаш;

- мавжуд натижа таҳлили ва ҳисобини юритиш, иқтисодий жиҳатдан тўғри услубларни ишлаб чиқиш.

Услубий жиҳатдан стресс-синовлар асосан қуйидаги икки усулдан бирини қўллаш асосида ўтказилади:

- таъсирчанлик (боғлиқлик)

таҳлили – таваккалчилик омилларидан бири ўзгаришидан сўнг бунинг оқибатини таққик қилиш тартиб-таомиллари шакллантирилиши таҳлил қилинади. Бу жараёнда таваккалчиликнинг бошқа омиллари ўзгаришига қолади. Бу сингари тестлар таваккалчиликнинг муҳим омилнинг алоҳида позицияларга сезиларли таъсирини баҳолаш ниятида бўлган банклар томонидан қўлланилади (масалан, доллар айирбошлаш курсининг ўзгариши валюта активлари ва пасивлари нархига таъсири). Унинг асосий камчилиги шундаки, ҳақиқий қалтис вазиятларда таваккалчиликнинг бошқа омиллари ҳам ўзгариши мумкин. Шу боис фақатгина бир омилнинг ўзгаришини таҳлил қилиш ҳулосанинг тўлиқ бўлмаслигига олиб келади. Мисол учун: инфляция/уй хўжалиги реал даромадлари даражасининг жисмоний шахсларнинг кредит портфелига хизмат кўрсатиш сифатига таъсири, муаммоли валютали кредитларга долларнинг айирбошлаш курсидаги ўзгариш даражасининг таъсири ва ҳоказо;

- тартиб-таомиллар таҳлили (макроиқтисодий таҳлил) – бу турдаги таҳлил молиявий ташкилотнинг стратегик истиқболини баҳолашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. У билан экстремал, айни пайтда эҳтимолий воқеа содир бўлган тақдирда молиявий ташкилот фаолиятига таъсир қилувчи таваккалчилик омиллари башорат қилинади.

Стресс-синовлар ўтказилаётган пайтда ташкилотларда иқтисодий ва бошқа манбаларда асосий икки йўналиш кўзга ташланади:

- top-down ёндашуви («пастан-тепага») тижорат банклари томонидан ўз-ўзини стресс-синовдан ўтказиш натижалари яқин истиқболда мамлакатдаги банк тизимининг макроиқтисодий кўрсаткичларини умумлаштириш мақсадида Марказий банкка йўналтирилади;

- «тепадан-паства» ёндашуви ёки масофавий стресс-синовларда Марказий банк томонидан тижорат банкларининг таҳлилий ҳисоботлари талаб қилинмади. Бу каби ёндашув алоҳида банклар маълумотларини солиштириш муаммосини ҳал этади, бироқ банклар фаолиятида, хусусан, клирингли банкларда ўзаро боғлиқлик («домино» самараси) тамойили инобатга олинмайди.

Жаҳонгир ЖҲРАБОЕВ.



Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Меҳнат вазирлиги қайта ташкил этилди

Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги фармонида биноан Меҳнат вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги этиб қайта ташкил этилди. Идоранинг устувор вазифалари ва фаолият йўналишларига тузатишлар киритилди, мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги ўрнатилди.

ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШГА КЎМАКЛАШИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг устувор вазифалари ва фаолият йўналишлари рўйхати жиддий кенгайтирилди ва илгари Меҳнат вазирлигига юклатилганларга нисбатан аниқлаштирилди.

Шу тариқа, энди улар жумласига қуйидагилар кириди:

- меҳнат бозоридаги ҳақиқий ҳолатни республикамиз минтақалари асосида чуқур таҳлил қилиш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича давлат буюртмаларини ишлаб чиқиш ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун иш жойлари квотасини белгилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- меҳнат органларига мурожаат қилган ишсизларни ишга жойлаштиришни таъминлаш, аҳолини жамоат ишларига, биринчи навбатда, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, йўл ва уй-жой коммунал инфратузилмасини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишга, шаҳарлар ва туманларни ободонлаштиришга, мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишларида иштирок этишга жалб этиш;

- ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни, айниқса, банд бўлмаган ёшларни, имконияти чекланган шахсларни ва ишсизларни иқтисодийнинг ҳамда меҳнат бозорининг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, касб-хўнарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан

такомиллаштириш;

- вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда олий ва ўрта махсус, касб-хўнара таълими муассасаларининг битирувчиларини улар эгаллаган мутахассисликларга мувофиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- меҳнат бозорини тартибга солиш, бандлик, меҳнатга доир муносабатлар, меҳнат муҳофазаси, касбий ва меҳнат стандартлари, гендер тенгликка риоя этилиши, банд бўлмаган аҳолини касб-хўнарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида бозор муносабатлари шароитларига мос келадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- ишга жойлаштириш жараёнига илғор ахборот технологияларини фаол жорий этиш, жумладан, Миллий вакансиялар базасини яратиш ва доимий ривожлантириб бориш;

- ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича хизматлар кўрсатиш бозорида замонавий инфратузилма ва рақобат муҳитини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари, таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашнинг самарали механизмларини шакллантириш;

- бандлик ва меҳнат муҳофазаси соҳасида қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш, меҳнат шароитлари экспертизасини амалга ошириш, меҳнат му-

носабатларини, меҳнатни моддий рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

- аҳоли ва иш берувчилар ўртасида меҳнат ҳуқуқлари ва муҳофазаси масалалари бўйича кенг ахборот-тушуштириш ишларини олиб бориш;

- кам таъминланган оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам тўлаши бўйича мониторингни амалга ошириш, меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаоллигини ошириш орқали оилани кам таъминланганликдан чиқариш юзасидан индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш.

РАҲБАРЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бош вазирнинг тавсияси бўйича Президент тасдиқлайди. Вазирнинг ўринбосарларини давлат раҳбари лавозимга тайинлайди ва ундан озод этади.

Қорақалпоғистоннинг бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Жўқорғи Кенгес томонидан вазир билан келишган ҳолда лавозимга тайинланади ва ундан озод этилади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаларининг бошлиқларини лавозимга тайинлаш идора раҳбари томонидан вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Тегишинча, туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш марказлари директорларини лавозимга тайинлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари томонидан туман ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири билан келишган ҳолда амалга оширилади.

РАҲБАРЛАРНИНГ ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Шуни қайд этиш лозимки, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ва унинг ўринбосарларига қуйидагилар

учун шахсий жавобгарлик юклатилди:

- ҳудудий ва тармоқ аҳоли бандлиги дастурлари тизимли ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишининг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, самарали бандлик шакллари ривожлантириш, меҳнат бозори ва аҳолининг айрим ижтимоий-демографик гуруҳлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, иш ўринлари яратиш бўйича давлат буюртмаларини шакллантириш;

- ишсиз аҳолини, ёшларни, авваламбор касб-хўнара коллежи битирувчиларини, шунингдек, аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини ихтисослаштирилган иш ўрни ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш, аҳоли ва иш берувчилар учун меҳнат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва ҳаммабплигини ошириш йўли билан ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

- шахсий бизнесини ташкил этишни хоҳловчилар, илк бор меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари амалга оширилишини рағбатлантириш ва кўмаклашиш, банд бўлмаган ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли учун касб-хўнарга тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизимини Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратилаётган маблағларни ушбу мақсадлар учун мос равишда оширган ҳолда ташкил этиш;

- кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий муҳофазаси манзиллигини кучайтириш, нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашда ўрнатилган тартибга амал қилинишини назорат қилиш, уларни фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда оилавий тадбиркорликка ва хўнарамандчиликка жалб этиш чораларини кўриш, шунингдек, аҳолини ўзини ўзи банд қилишини турли шакллари ривожлантиришни рағбатлантириш.

Имтиёз учун ҳуқуқни маълумотнома-ҳисоб-китоб тасдиқлайди

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғи ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Маълумот учун: 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сонли қарорга мувофиқ кўрсатилган корхоналар 2020 йил 1 январгача фойда солиғи, мол-мулк солиғи (микромфирмалар ва кичик корхоналар – ЯСТдан), Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар, шунингдек, импорт қилинаётган ускуналар, бутловчи буюмлар, шўжумладан, воситачилик шартномалари асосида республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, тўқимачилик ва тикув-три-

котаж тармоғи ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган хомашё ва материаллар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштириш йиғими бундан мустасно) озод этилади. Божхона тўловларидан озод этилмайдиган хомашё, материал ва фурнитуралар импортида божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун муддатга тўловни кечиктириб тўлаш тақдим этилади.

Низомга илова билан имтиёзлар татбиқ этиладиган товар номларининг рўйхати тасдиқланди. Бунда ихтисослашган корхоналар жумласига ҳисобот даври якунлари бўйича умумий сотиш ҳажмида шундай товарларни ишлаб чиқаришдан тушган тушум улуши камида 60 фоизни ташкил этадиган корхоналар кириди.

Имтиёзлардан фойдаланган корхоналарнинг ихтисослашганлиги фактини тасдиқлаш учун йил якунлари бўйи-

ча солиқ ҳисоботини тақдим этиш билан бир вақтда солиқ органларига тасдиқланган шаклдаги маълумотнома-ҳисоб-китобни юборди.

Агар тақдим этилган маълумотнома-ҳисоб-китобга асосан корхона имтиёз бериш учун белгиланган мезонларга мос келмаса, солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бекор қилинади ва уларни пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга тўлаши бўйича мажбуриятлар тикланади.

Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар олиб қилиётган товарларни эркин муомалалаш чиқариш (импорт) божхо-

на режимида расмийлаштириш пайтида тақдим этилади. Божхона тўловларини кечиктириб тўлашга ружсат олиш учун корхоналар томонидан божхона органларига Божхона кодексининг 330-моддасига асосан ҳужжатлар тақдим этилади.

Корхонанинг имтиёзлар тақдим этиш учун белгиланган мезонларга мувофиқ келмаслиги факти аниқланганда, солиқ органлари 10 иш куни ичида аниқланган фактлар тўғрисида ўрнатилган тартибда аввал тўланмаган божхона тўловларини ундириш чораларини кўриш учун божхона хабардор қилади.



ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

«E-Commerce» ривож буйича етакчи маълум бўлди

«Brexit» билан боғлиқ иқтисодий инқирозга қарамастан, британ «e-commerce»си 2017 йилда кутилган 14 фоизлик ўсish билан Европада биринчи ва жаҳонда учинчи ўринни эгаллайди.

«HiPay» маълумотларига қараганда, 66,14 млн. британияликлардан 77 фоизи онлайн-харидларни амалга оширади. Шу туфайли электрон савдонинг бир йиллик айланмаси 130 млрд. фунт-стерлингга ошади.

Онлайн-харидларнинг катта қисмини фойдаланувчилар энг зарур стационар компьютер ёрдамида амалга оширадилар, бу эса мобиль савдо соҳасидаги ривожланиш имкониятларидан далолат беради. Шуниси қизиқки, стационар компьютер билан фойдаланувчилар бир харид учун ўртача 66,99 фунт, мобиль савдода

эса бор-йўғи 5,92 фунт сарфлайдилар.

Британияликлар хариднинг катта қисмини Американинг Amazon ва Ebay веб-сайтларида амалга оширадилар. Шу билан бирга, улар Argos ва ASOS ёрдамида ҳам харид қилиб, кўп вақт ўтказадилар.

Бундан ташқари, «HiPay» ҳисоб-китобларида қараганда, британлар йилига ўртача онлайнда 5400 фунт-стерлинг сарфлашади. Британияликларнинг 40 фоизи учун онлайн тўловлар кредит карта орқали, 35 фоизи дебёт ва 21 фоизи учун «PayPal» афзал ҳисобланади.

Пуллар замонавий жаҳон иқтисодиётининг асосий воситаси ҳисобланади. Мазкур тўлов воситасининг шаклланиши ва тараққиёти жараёнида пулларнинг ноодатий моҳиятини намоён этувчи факт ва маълумотлар тўпланиб қолган. Дунё бўйича ҳанузгача пулларнинг антиқа муқобил шакллари учрамоқда. Инсоният яратилибдики, пуллар ҳақида қизиқарли маълумотлар тўпланган бўлиб, уларнинг мавжудлиги эҳтимол бойлик ва муваффақият рамзига бўлган муносабатни ўзгартирар.

Кўйида эътиборингизга пулларнинг ривожланиш тарихи билан боғлиқ қизиқарли маълумотларни келтираемиз:

ПУЛ ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР



- АҚШ гербининг рамзларидан бири пирамида бўлиб, унинг тасвири банкнотанинг орқа томонига туширилган.

- Америкадаги Така шаҳарчаси ўзининг шахсий пулига эга илк шаҳарча бўлиб, 2015 йилда ишлаб чиқаришни бошлаган.

- Дунё бўйича асосий активаторлардан бири айнан пуллар саналади.

- Қадимда пулларнинг қиймати металнинг таркибига қараб белгиланган.

- Дунёнинг энг оммабоп купюраси 500 евродир.

- АҚШда энг кўп тарқалган пуллар 1 ва 20 номиналидаги АҚШ долларларидир.

- 1949 йилда универсал кредит карталарини ташкил этиш госяи юзга келди.

- Саудия Арабистонида фақатгина аёллар ишлайдиган банк мавжуд.

- 1748 йилда Ломоносов 2000 рублга тенг мукофотини олиб кетиш учун аравачиларни ёллаган.

- XIX аср аввалида Аляскада чармли пуллар чиқарилган.

- XVI асрда Венеция тангаси «газета» номи билан юритилган.

- 1654 йилда Ҳиндистон олтин тангаси дунёнинг энг йирик қийматига эга бўлган.

- Энг оғир рус тангаси 11 килограмдан ортиқ вазнда эди.

- Эрамиздан аввалги VII асрда кумуш ва олтин эритмаси

қўшилмасидан иборат танга зарб этилган.

- Қачонлардир қуритилган баликакао ва чой пул ўрнида ишлатилган.

- 1999 йилда Россияда энг оғир кумуш танга чиқарилган.

- Канадада динозавр тасвири туширилган танга муомалага киритилган.

- 100 йилдан буён 10 тийинлик танга ҳажми ўзгармасдан қолмоқда.

- Деярли ҳар бир стандарт шаклдаги купюра тахминан 1 граммга тенг.

- Японияда қиймати 3,7 млн. АҚШ долларига тенг олтин қуйма чиқарилган.

- Бенжамин Франклин АҚШ долларининг рамзи ҳисобланади.

- Тангаларнинг четки қисми эговланган ва қолдиқлардан янгиларини ҳам тайёрлашган.

- Ҳар бир купюра 4000 марта букилиши мумкин.

- 1939 йилда дунёда илк банкмат пайдо бўлди.

- Бельгияда тангалар реклама матнлари билан ишлаб чиқарилган.

- Хитойда тангалар иш қуроллари шаклида зарб этилган.


- Бирмада туз пул ўрнида қўлланилган.

- XVIII асрда тўртбурчак шаклидаги танга ишлаб чиқарилган.

- Руминияда 1999 йилда полимерлар ёрдамида тангалар тайёрланган.

- Англия қироли кумуш қопламали мис тангалар чиқаришни буюрган.

Югуриш машқлари ҳаёт давомийлигини оширади



Америкалик шифокорлар мунтазам югуриш машқлари ҳаёт давомийлигининг бир неча йилга ошиши билан боғлиқ эканини кўрсатиб беришди. «Progress in Cardiovascular Diseases» журналида бу ҳақида батафсил маълумот берилди.

Олимларнинг сўзларига кўра, 40 йил давомида ҳафтасига икки соатдан югуриш бундай жисмоний фаолликка эътибор қаратмайдиганларга нисбатан ҳаёт давомийлигининг тахминан 3 йилга ошиши билан боғлиқ экан. Шунингдек, мутахассислар мунтазам югуриш машқлари эрта ўлим хавфини 25-40 фоизга қисқартиришини ҳам таъкидлашди.

Олимларнинг хулосаларига оид маълумотлар ҳатто вақти-вақти билан чекувчи, спиртли ичимликларни истеъмол қилувчи ёки қачонлардир ортиқча вазнга эга бўлган кишиларга ҳам тўғри келади. Тадқиқот асосан ўрта тоифали оқ танли америкаликлар орасида ўтказилган.

Мутахассислар югуришнинг қандай сабабларга кўра ҳаёт давомийлигини узайтиришини маълум қилишмади. Энг яқин тахминий хулоса – бундай жисмоний фаолликда организмга аэробик юк тушади, бу эса узоқ умр кўришининг асосий омилларидан биридир.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

А.С. АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КУМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шахрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилин.

Факс: 232-43-98.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади. Қўлэзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-гартиб рақами билан руйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № 1032.

Адади 4869 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табақда

чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 5.07.2017 й., 9.00.